

Азон ва азон айтувчи кишининг фазли



13:30 / 23.08.2020 4702

???? ?????? ?????? ?????? ??????? ?????????????? ??????

?????? ?????????????? ???????? ??????? ???????? ??????? ???????

????????? ?????????????????? ???????? ??????? ???????? ???????

?????: ??????? ?????????? ?????????? ??????????????

????????????????????? ?????????? ?????????? ??? ?????????? ??????

????????????????? ?????????????????? ?????????????????? ??????????????

???????? ?????????????? ?????????? ??? ??????????

????? ?????? ?????????????? ?????? ?????? ???????

????? ??????? ??????? ??????? ?????? ???????

?????????????????. ?????? ?????? ?????????? ?????????????? ??????

????????????? ??? ?????? ?????? ??????. ?????????

????????????????? ??????????????????????.

Абдуллоҳ ибн Абдуррахмон ибн Абу Соъсоъа розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«У кишига Абу Саъийд ал-Худрий розияллоху анху:

«Мен сенинг қўйни ва чўлни яхши кўришингни билмоқдаман. Қачонки қўйинг ичида, чўлингда бўлсанг-у, намозга азон айтадиган бўлсанг, овозингни баланд кўтар. Чунки қайси бир жин, инс ёки бирор нарса муаззиннинг овозини эшитса, албатта, қиёмат куни унга гувоҳлик беради. Буни Набий соллаллоху алайҳи васалламдан эшитганман», деган экан».

Бухорий ва Насай ривоят қилганлар.

Шарҳ: Абдуллоҳ ибн Абдуррахмон ибн Абу Соъсоъа Мозиний ал-Ансорий ишончли ҳадис тўпловчи тобеъинлардан бўлганлар. Оталари улуғ саҳобалардан эдилар. У киши ҳадисларни оталаридан, Абу Саъийд ал-Худрий, Ато ибн Ясор, Умар ибн Абдулазиз, Соиб ибн Ҳаммодалардан ривоят қилдилар.

Бу зот Абу Жаъфарнинг халифалик даврларида вафот этдилар.

Ҳадиси шарифда азоннинг ва азон айтувчи кишининг фазли яна ҳам оширилмоқда. Шу билан бирга, азонни иложи борича узоққа етадиган қилиб айтишга тарғиб қилинмоқда.

Ҳазрати Билол розияллоҳу анҳу Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг масжидлари атрофидаги энг баланд уй – Бани Нажжор қабиласидан бўлган бир аёлнинг уйи тепасига чиқиб азон айтар эдилар.

Бу ҳадисдан ёлғиз одам чўлда бўлса ҳам азон айтиб, намоз ўқиши яхши эканлиги маълум бўлмоқда.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан